

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



— 2022 йил—Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили —
Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲОҲИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2022 йил 26 июл № 26 (8423)

Муҳим ахборотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" фармон қабул қилди.

Юртбошимиз "Хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилди.

Президент фармони билан 23 минг 310 нафар шахса Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилди.

Тошкент шаҳрида 25-26 июл кунлари "Афғонистон: хаёфсизлик ва иқтисодий тараққиёт" халқаро конференцияси бўлиб ўтмоқда.

Ҳуқуқшунос минбари

ҲУҚУҚИЙ ЗАМИН ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

"Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг оммавий муҳокамаси давом этмоқда.

Шу йилнинг 24 июн куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасини бир овоздан маъқуллаб, биринчи ўқишда қабул қилган эдилар. Лойиҳада Бош қомуснинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган.

Маълумки, Конституцияга ўзгартиришлар киритиш парламент ваколати орқали ҳамда референдум ўтказиш, яъни фуқароларнинг умум-халқ овоз бериши йўли орқали амалга оширилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституцияни парламент ваколати билан эмас, балки референдум ўтказиш йўли орқали ўзгартиришни таклиф қилди.

Қонун лойиҳаси 25 июн куни умум-халқ муҳокамасига қўйилган эди. Конституцияга ўзгартириш киритиш бўйича қонун лойиҳасининг оммавий муҳокамаси 1 августгача давом этади. Муҳокама якунлангандан

сўнг Конституциявий комиссия унинг якунлари натижаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритади.

Янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида"ги қонуни талабига кўра, референдум Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тайинланади (13-модда). Ўзбекистон Республикаси Президенти референдум ўтказиш ташаббускори бўлган тақдирда у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаат этиши ёки референдум ўтказиш тўғрисида ўз қарорини қабул қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси референдум ўтказиш ташаббусини кўрсатиш тўғрисидаги материалларни ва масъул қўмитанинг хулосасини икки ҳафта ичида кўриб чиқиб, референдумни тайинлаш ва уни ўтказишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида, референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида ёки референдум ўтказиш тўғриси-

даги ташаббусда таклиф қилинган қонунни ёки бошқа қарорни референдум ўтказмасдан туриб қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг референдумни ўтказиш ва референдум ўтказиладиган санани тайинлаш тўғрисидаги қарорларида уни ўтказиш санаси белгиланади, бунда овоз бериш палаталарнинг қарорлари эълон қилинган кундан эътиборан бир ярим ойдан уч ойгача бўлган даврда исталган кунга тайинланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар халқимиз, жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётида туб ислохотларнинг амалга оширилишида мустақил давлатчилик пойдеворини янада мустаҳкамлашга ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

Иқболжон ЗОКИРОВ,
туман адлия бўлими юридик хизмат курсатиш маркази бошлиғи.

Назорат

Шунинг учун ҳам бу жараён агроинспекциямиз томонидан алоҳида назорат қилиб борилади. Айти пайтда туманимизда тендер танловида ғолиб бўлган 34 та фермер хўжалигининг 929 гектар майдонларига эртапишар, ўртапишар ғўза навлари уруғлик учун экилиб, парвариш қилинмоқда. Бугунги кунда уруғлик пахта майдонларининг қатор ораларига ишлов бериш, чопиқ, чеканка қилиш ва минерал ўғитлар билан иккинчи озиклантириш каби кечиктириб бўлмайдиган агротехник тадбирлар амалга ошириляпти. Туман бўйича уруғлик пахта майдонларининг 255 гектари (27 фоиз) гуллаш, 674 гектари (73 фоиз) 5-6 тадан кўсаклаш фазаларида ривожланмоқда.

Яна бир жиҳат, уруғлик ғўза майдонлари парваришида чуқур юмшатиш ишлари талаб даражасида ўтказилиши эртаки ва мўл ҳосил етиштиришда жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан биз, инспекторлар гектарига 90 граммдан сажен, чеканка ва ғўза қатор ораларига култивация билан ишлов бериш жараёнларини мунтазам назоратга олганмиз.

УРУҒЛИК ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ – ИККИ ҚАРРА МАСЪУЛИЯТ



Назорат пайтида уруғлик ҳосил етиштиришда агротехника қоидаларига амал қилмаётганлар ҳам учрамоқда. Хусусан, "Пахтакор-Гармдон", "Қорақушчи-Отабоев", "А. Ниёзов-Оқтепа", "А. Алигавҳаров-Лангар" машина-трактор парклари хизмат кўрсатаётган ҳудудлар-

даги "Мармартош", Абдуқундуз ота номли, "Паҳлавон Ғулломжон ерлари", "Султонбеги файз", "Гавҳар" фермер хўжаликлариде камчиликлар аниқланди. Агротехника қоидаларининг кўпол равишда бузилиши бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш

юзасидан хўжалик раҳбарларига ёзма огоҳлантириш ва кўрсатмалар киритилиб, улар бартараф этилишига ҳаракат қил-япмиз.

Хўжалик раҳбарлари, мутахассислари уруғлик ҳосил етиштириш икки қарра масъулият эканини унутмаслиги

керак. Ғўзанинг ҳозирги ривожланиш жараёнида кечиктириб бажарилган тадбир, қўйилган натижани бермаслигини назарда тутган ҳолда ҳар бир ишни ўз вақтида, маромида амалга оширишга ҳаракат қилсалар, шартнома мажбуриятини ўз вақтида бажариш баробарида келгуси йилга ҳам пухта замин яратадилар.

Биз "Бахт Йўлдош Охун" машина-трактор парк ҳудудидаги Ҳамидилло-Ҳикматилло Қозоқовлар номли фермер хўжалигида барча агротехника тадбирлари маромида бажарилиб, ғўза кўнгилдагик ривожланаётганини кузатдик.

Отабек ТУРАЕВ,
туман агроинспекциясининг катта инспектори.

Ушбу сурат Ҳамидилло-Ҳикматилло Қозоқовлар номли фермер хўжалигида агроинспекция мутасаддилари Отабек Тўраев (суратда-ўнгда) ва Ойбек Охунбобоевлар (чапда) назорат ўтказётган пайтда тасвирга туширилган. Ўртада-хўжалик раҳбари Ҳамидулло Қозоқов.

Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ
олган сурат.

УШБУ
СОНДА:

2 * Публицист мулоҳазалари
Йигит элнинг оридир

3 * Янги тартибдан хабардормисиз?
* Йод танқислиги – жисдий хавф
* Жаҳон айвонида

4 **Сабоқ бекати**
* Аҳли дониш дейдиларки...
* Ақл-ақлдан қувват олар
* Билиб қўйган маъкул



Қиз бола дунёга келса, давлатбоши, деб бир суюнсалар, ўғил туғилса, ўз-бегимнинг оталари, яширишининг нима ҳожати бор, оналари, хонадон аҳли, яқинлари ҳам ўн суюниши бор гап. Ахир ўғилли уйнинг чироғи ўчмайди, дейдилар-у. Қадим қадриятларимизда ҳам авлодлар шажарасини ўғиллар орқали белгилаганлар, гарчи, исломда қизлар ҳам насл-насабнинг давомчилари ҳисобланиши белгилаб қўйилган бўлса ҳам. Бу хурсандчиликларнинг замирида ота-онасининг, эгачи-синглисининг пушти-паноҳи, хонадон аҳлининг таянчи, бува, бувижонларнинг-да суюнчи туғилди, деган умидбахш орзулар ушалгани акс этади. Пировардида соғлом, ориятли бўлиб улғайган ўғлонлар нафақат оиласининг, балки Ватаннинг посбони, зирхли қалқони бўла оладиларки, улар бутун эл-юртнинг ишончига айланадилар.

Алпқомат, асов отларни измига бўйсундурадиган, ўқиб-изланадиган, билими, спортдаги ютуқлари билан Ўзбекистонни дунёга танитаётган, Ватан сарҳадларини мардона кўриқлаётган йигитларга қараб, ҳақиқатан ҳам ўзбегимнинг ўғлонлари афсонавий Алпомиш, Беруний, ибн Сино, Амир Темур, Жалолоддин Мангуберди, Улуғбек, Навоий, Бобурмирозо каби дунёларни лол этган нечача буюк сиймоларнинг муносиб ворисларидир, дея ғуруринг тоғлар қадар юксалади.

Ўзбек—ўзига бекнинг ўғлонлари яқин тарихимизда ҳам миллат, юрт шаъни дея жонидан кечса—кечдики, ориятини топтатмади. Тўғри, бу даврда ҳам жонини ордан устун қўйганлар чиқса-чиққандир. Уларни мўйсафид тарих тўлқини хас-хашаклардек супуриб ташлаган бўлса, миллат ҳурлиги, орияти учун курашган, қатлига ҳам тик боққан Чўлпон, Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Усмон Носир... ва неча юзлаб, минглаб ўғлонлар жасорати мангуликка дахлдор бўлиб қолдики, ҳали бу номлар асрлар оша авлодларини Ватани ҳурлиги, шаъни-шавкати, миллати ғурури, номусини мардона ҳимоя қилишдек буюк ғоявий курашларга чорлайверади.

Узоққа бормай, яқин ўтмишга бир назар ташлайлик. Ўзи яратган моддий бойликларга ўзи эга чиқолмаган, қадрияти, дини, тилидан Мосуво бўлаётган Ўзбекистонни асрий тутқунликдан ким халос этди?! Дунё айвонига ўзбек юрти туғини ким тикди? Шу юрт ўғлонлари эмасми?! Озодлик дея осилган, отилган, топталган, таҳқирланган миллатдошлари қони, бой берилган жони ҳаққи, Истиқлол аталмиш буюк неъматни бало-қазолардан асраш учун кўксини қалқон қилганлар ким? Шу юрт ўғлонлари эмасми?! Халқини Мустақиллик ғояларини мардона ҳимоя қилишдек

Аёллар даврасида ўтказаетган маънавий-маърифий суҳбатлар чоғида учратганимиз—ой-куни яқин аёлгинанинг юзлари заъфарондек сарғайган, қадамлари бирам оғир, бўлаётган гап-сўзлар ҳам кўнглига сиғмайди. “Ҳа, аёл-а! Ширин жонини икки йўл ўртасига тикиб, Аллоҳнинг иродаси билан қонидан, жонидан улашиб, “юк”ли бўлади, уни тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат юраги тубида асраб-авайлаб, ёруғ дунёга беради, тунлари бедор, кунлари бор ҳаловатидан кечиб оёққа қўяди... Аёл зотининг мўъжизакорлиги, фидойилиги ҳам шунда-да аслида”. Шу ҳаёллар билан ўзини Муҳаббатхон, дея таништирган жувондан “нечанчингиз?” дея сўрашга жазм айладим. “Олтинчиси” деган жавобни эшитиб, ҳайратдан сўз тополмай қолдим.

—Опажон, ўғил илинжида беш қиз кўрдик,—дейди аёл ўзини айбдор сезгандек, маъюс кўзларини бир нуқтага қадаб.—Эркак зотининг нўгли ўғил тиларкан-да. Зора, шуниси дадасига шерик бўлса... Жинсини аниқлаш учун ҳаракат ҳам қилмадик.

буюк ҳаракатга бирлаштирибгина қолмай, уни қадам-бақадам тараққиёт сари етаклаган мард ўғлонлар ким? Бутун минтақамизда тинчлик ва осойишталикнинг ишончли кафолати бўла олаётган-чи? Албатта, юрт ўғлонлари! Бу фикрни нафақат биз, балки дунё ҳамжамиятининг казозолари ҳам тан олиб, эътироф этаётганидан нечун фахрланмайлик!

Савол кетидан-савол, жавоб ке-

бўлиб, пул топишга интилмоқдалар. Санкт Петербургда гипермаркетнинг чиқиндиларини тозалаётган аёл билан суҳбатлашиб, қалбига қулоқ тутаман. “Эрим ишсиз, сиз ҳам одамларга ўхшаб пул топинг, рўзғор қилинг, десам менинг борим шу. Хоҳласанг қўшнимизнинг хотинига ўхшаб Россияга бориб ишла, болаларингга мен қараб ўтираман, деганларига виждоним қайнаб, ўзим

Публицист мулоҳазалари

ЙИГИТ ЭЛНИНГ ОРИДИР

(Барча тоифадаги эркаклар албатта ўқисин!)

тидан-жавоб қўйилиб келаверади. Аёлларни оилаларнинг чироғи, жамиятнинг энг фидойи кучи, қизларни миллатнинг бўлажак оналари, дея асраб-авайлаётган, уларга муносиб турмуш тарзи, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун шарот-шароит яратишга бошқошлик қилаётганлар ким? Ватанимизнинг эртаси бугундан-да ёруғ бўлишига, тўқис ва соғлом болаликка, бахти бекам ёшликка, бағри бутун оналикка, эъзозли кексаликка, умуман, кучли давлатга, аёли қадрига етувчи жамиятга умид бахш этаётганлар ким? Албатта шу ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ!!!

Улар эл-юртнинг пушти паноҳи, аёл зоти—она, турмуш ўртоқ, опа-сингил, қизлар юрагининг қуввати, суюнган тоғи, ишонган боғи. Бундай фазилат бутун вужудидан ёғилиб турган барча ўғлонларнинг боши тошдан бўлишини ҳамма бирдек тилаяпти.

Аммо... Юрт ўғлонлари ҳақида фахрланиб сўзлаш асносида айрим оналар, бекалар юрагига наштардек ботаётган армонлар ҳақида битмасак мулоҳазаларимиз бир ёқлама бўлиб қолар. Зора, бу очиқ ва аччиқ ҳақиқатлар баъзи эркаклар қалбида мудраб ётган нафсониятни уйғотишга туртки бўлса!

Бугун қайси бозорга борманг, савдо-сотик билан асосан аёллар шуғулланмоқдалар. Ҳунармандлар, буюм бозорларини қўйинг, қопда-қанорда кўтарадиган маҳсулотларнинг олиб-сотилиши ҳам айрим “абжир” аёллар зиммасида қолди. Бу абжирлик уларга қимматга тушяптики, улар аёллик фазилатларини бой бериб, ибо пардасини улоқтириб ташлашапти. Яна бир тоифа аёллар борки, улар эркакларнинг ориятсизлигидан оилалардан узоқда, фарзандларга ташна

келавердим-да, дейди суксурдеккина жувон, чиқиндиларни қутига соларкан.—Ўғлим беш яшар, қизим учга қиряпти, уларни соғиниб кечалари йиғлаб чиқаман. Рус тилини билмай жуда қийналдим. Нима қилай, тирикчилик экан...”

Тирикчиликнинг тўрва халтасини бўйнига илган аёлнинг айтишича, янги кўчиб чиққан хонадонда тўрт сотих томорқаси бор экан. Ахир шу ер тирикчилик манбаи эмасми?! Бундай имкон қаерда бор?! Қаловини топганлар бир-икки сотихдан ҳам яхшигина даромад топишяпти-ку! Эри шу ерга ҳам қарашни истамас, узукун гузарда карта ўйнаб ўтираркан. “У киши болаларга қандай қарайди?”, деган саволимизга, “уларни ота-онамга қолдирганман” дейди аёл ер чизиб.

Яна бир, айтиш мумкинки, энг ачинарли тоифа эркаклар борки, улар яшашнинг мазмунини тўқис, мустаҳкам оила, комил фарзандларда, эл-юртга нафи тегишда эмас, балки тараллабедод—жон ғанимат асносида кун кўришда, “мен эркакман, сен бўлмасанг—бошқаси” қабилда иш тутиб, аёл қалбини топтаб, ҳатто мўлтираб турган фарзандлар тақдирини ҳам ўйламай, хотин олиб-хотин қўйишда, маишатпарастликда, деб биладилар. Бундайлар охири-оқибат ўз келажакларини барбод бераётганларини англаб етмайдилар, етганларида эса кеч бўлади.

—Отам бошқа хотин олволган,—дейди ўшанда ўн беш ёшли махсус интернет тарбияланувчиси 3. бу ерга қандай тушиб қолганлиги ҳақида сўраганимизда.—Биздан хабар олмайди. Бувим оламдан ўтганлар. Онам билан ёлғиз яшаймиз. У киши ҳар куни бозорга кетадилар. Мен эса попкамни кўтариб, мактабга

кетгандай кўрсатардим ўзимни. Аслида бир ўртоғим билан ўғирлик қилиб пул топиб, кунимизни интернет кафеда ўтказардик. Бир куни бизни милиционер амаки ушлаб олди...

Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик: ахир биз кимларнинг авлодларимиз, кимларни тарбияляяпмиз?! Кам бўлса-да, бундай болаларнинг маҳалламизда, туманимиз ёки шаҳримизда борлиги шу юртнинг фуқаросиман, деб юрган ҳар бир ақли расо одамни ташвишга солиши, ҳолатга қарши курашга чоғлантириши керак-ку! Статистик маълумотларга қараганда, оилавий ажримлар ордан болаларнинг тирик етим бўлиб қолиши йилдан-йилга ортиб борапти. Ва масаланинг моҳиятига чуқурроқ кирилса, ота ёки она меҳридан, назоратидан четда қолган болалар безорилик кўчасига кўпроқ кираркан ёки мойил бўларкан.

Шу ўринда бола тарбиясига кўпроқ масъул бўлган оналарнинг бўйнига турмуш “юки”ни ортиб, уларни узукун бозорларга ёки хорижга чиқариб қўйган, бола тақдирини аро йўлга ташлаб, кўнгил кўчасида сармаст юрган оталарнинг нафсониятига ўт тушганми, дегинг келади. Ахир аёл йигитнинг ори, фарзанд ғурури эмасми?! Арзимаган чойчақа учун ғаламис экстремистлар домига тушиб, иймони, демакки, юртини сотмоқчи бўлган йигитлар кирди-корлари ҳам аввало отанинг, қолаверса, онанинг фарзанд тарбиясига ўта бепарво ёндошиши оқибатидан, албат-та. Тун пайтлари кўчаларда сандирақлаб юрган болаларнинг ота-оналарини хушёрликка чақирувчи жамоатчилик, маҳалла мутасаддилари, маънавият-маърифат муассасалари, ёшлар ташкилотлари олиб бораётган ишлар ҳар доим ҳам мўлжални аниқ оляпти, деб айта олмасликнинг асослари етарли. Ахир рақамлар гапирди-да.

Мулоҳазалар моҳиятида ётган муддаони зуқко муштарий фахмлаб олгандир. Эркаги ориятли хонадоннинг тоmidан чакка ўтмайди, аёли зорланиб яшамайди, қора кўз зурриёти ўзи ҳали чуқур англаб етмаган беқадрлик, бемеҳрлик, безътиборлик гирдобига рўбаро келмайди. Ўзбекона мард, умрнинг лаҳзаларини-да ҳавога совурмайдиган, орияти, нафсонияти, ғурури уйғоқ ўғлон ўстираётган хонадоннинг эртаси умидли, ота-онаси, эгачи-синглиси бағри бутун. Бундай ўғлонлар юқорида айтилганидек, нафақат оиласи, балки эли юртнинг таянчи, суюнчи, ифтихори бўла оладилар. Нима бўлганда ҳам йигитнинг ори бўлсин! Ориятли йигитлар эса орияти баланд оилаларда камолга етадилар. Бу назарий ва амалий исботланган ҳақиқат.

Яна бир ҳақиқат шуки, ўғил бола қалбига қадим аждодларимиздан мерос бўлиб ўтиб келаётган орият, диёнат, нафсоният, ғурур аталмиш энг улуғ фазилатлар, аввало ота-она қонидан ниш уриб, билим ва тарбия даргоҳи, китобдек энг содиқ дўст имконидан куртак отиб, шаклланиб, қўни-қўшни, қариндош-уруғ, маҳаллақўй, жамоатчиликнинг маънавий таъсиридан камолга етказилади. Йигити ориятли юртнинг тараққиёти бардавом, аёли бахтли, оиласи мустаҳкам, фарзандлари бағри бут ва комил бўладилар. ЙИГИТ ЭЛНИНГ ОРИДИР, деганлари шундан-да!

Хадичахон КАРИМОВА.

Жараён



ИСТЕЪДОД ЭЪТИБОРДАН КУЧ ОЛАДИ

Таътил кунлари ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, истеъдодларининг янги-янги қирраларини кашф этиш учун Ёшлар ишлари Агентлиги туман бўлини маси, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини маси халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ёш рассомлар ижод намуналарининг танловини ўтказди. Уларни кузатган ҳар қандай одам, дарҳақиқат, ўсиб келаётган авлод орасида юзлаб истеъдод соҳиблари борлигига, уларга берилаётган эътибор маҳоратини янада қулф урдиришига амин бўлади. Ёш рассомлар кўргазмасида туман ҳокими ва секторлар раҳбарлари ҳозир бўлдилар ҳамда ёш истеъдод эгаларига тасаннолар айтишди.



Ушбу суратлар ана шу кўргазма жараёнида Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ томонидан тасвирга туширилди.

Янги тартибдан хабардормисиз?

ОҒИР ВАЗИЯТЛАРДА ҲУЖЖАТБОЗЛИК КЕТМАЙДИ

Ҳаёт доимий ҳаракат демакдир. Инсон бу ёруғ оламга келаркан, ўзига берилган улугъ неъматни имкон қадар яхшилик ва фаровонлик билан зийнатлашга, муносиб яшашга интилади, бу йўлда тинмай меҳнат қилади. Қувонч ва ташвиш хамиша ёнма-ён келувчи турмушнинг турфа рангларидан баҳра олиб умр кечиради. Ва бу умр

аталмиш баланд-пастликлардан иборат йўлнинг охири борлиги ҳам аини ҳақиқат. Яратганининг иродаси ила одам вақти келиб сўнгги манзилга кузатиларкан, унинг бу ҳолатини расман қайд этиш эҳтиёжи юзага келадики, бу, марҳумнинг яқинлари, оила аъзоларидан бирмунча сабр-тоқат, кўнгли талаб этади.

Таъкидлаш керакки, аҳолига ҳар соҳада енгиллик яратиш бош мақсад этиб белгиланган мамлакатимизда ушбу йўналишда ҳам қўғозбозликка чек қўйиш, илгари одат тусига кирган ортиқча югур-югурларга барҳам бериш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ аҳолига ўзаро боғлиқ давлат хизматларидан композит тарзда фойдаланиш имконияти яратилди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги қароридан тасдиқланган ўлимни қайд қилиш билан боғлиқ композит давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига доир асосий тартибларга тўхталиб ўтиш жоиз.

Ушбу ҳужжатга кўра, 2022 йил 1 июлдан бутун республика ҳудудида тиббиёт муассасалари томонидан ўлим ҳақида тиббий гувоҳнома бериш тартиби бекор қилиниб, фақат электрон тизим орқали тиббий маълумотнома шакллантириш тартиби жорий этилди. Янги тартибга биноан

ўлим ҳолати фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд қилинганлиги ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан берилган QR-код (матрикс штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномага тенглаштирилади ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қабул қилишни рад этиш қатъиян таъқиқланади.

Қуйидаги ҳолатларда:

вояга етмаган вафот этган шахсга нисбатан ФХДЁ бўлимида туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганда;

ўлим ҳолатини суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорига асосан қайд қилишда;

ўлими қонунчиликда белгиланган муддатларда қайд этилмаган шахсларнинг ўлимини қайд этишда;

шахси аниқланмаганларнинг ўлимини қайд этишда;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами бўлмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўлимини қайд этишда татбиқ этилмайди.

Ариза берувчилар ФХДЁ бўлими томонидан ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома ёки тиббиёт муассасаси томонидан берилган QR-код (мат-

рикс штрихли код) қўйилган ўлим ҳақидаги маълумотнома ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатган ҳолда, ҳолат қайд қилингандан бошлаб 60 кун муддат ичида дафн этиш учун нафақа пулини олиш мақсадида тижорат банкининг исталган филиалига мурожаат қилиши мумкин.

Дафн этиш учун нафақа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома орқали тўланиши мумкин. Бундай нафақа пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг тўрт баравари миқдоридан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар. Юқоридаги меъёрлар ҳаётини оғир вазиятларда фуқароларимизнинг ортиқча овораларчиликлардан фойда бўлишларига замин яратади.

Гулюз САИДОВА,
туман ФХДЁ бўлими мудираси.

Мутахассис оғоҳлантиради

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ – ЖИДДИЙ ХАВФ

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, йод танқислиги натижасида юзага келадиган касалликлар, энг кўп учрайдиган касалликлар қаторига киради. Афсуски, бизнинг мамлакатимизда бундай танқислик кузатилмайдиган ҳудудлар деярли қолмади. Ҳозирда 60 фоизга яқин аҳоли ана шундай етишмовчиликдан азият чекмоқда, болаларда эса бу кўрсаткич 70 фоизга яқин.

Йод—инсон саломатлиги учун сув ва ҳаводек зарур микроэлемент ҳисобланади. У қалқонсимон без томонидан ишлаб чиқариладиган гормонларнинг асосини ташкил этади. Бу гормонлар организмнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда танадаги барча аъзоларнинг фаолиятлари учун муҳимдир.

Таъкидлаш керакки, йод танада ҳосил бўлмайди. У асосан озиқ-овқат маҳсулотлари орқали қабул қилинади. Лекин бизнинг тупроқ ва сувимизда, унда етиштирилаётган мева-сабзавот, дон ва гўшт маҳсулотларида мазкур модда миқдори жуда кам бўлиб, инсоннинг кундалик эҳтиёжини қондира олмайди. Унинг етарли миқдорда қабул қилинмаслиги оқибатида эса касалланиш ҳолатлари юзага келади.


Айниқса болаларда йод танқислиги қайси ёшда кузатилган бўлса, ўша ёшдаги ўсиш ва ривожланиш жараёнига ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун одамнинг ёши қанча кичик бўлса, шунчалик катта хавф мавжуд бўлади.

Одам учун йоднинг учта манбаи мавжуд: ер, ҳаво ва сув. Табиатда йод жуда ҳам нотекис тарқалган. Аслида, инсон организмига йод жуда кам миқдорда зарур. Кунига атиги 100-200 мкг (1мкг — граммнинг миллиондан бир улуши). Бироқ бу ҳаёт фаолияти учун бениҳоя зарур. Ўсиш ва ривожланиш ҳисобига ҳомилдор аёл, бола ва ўсмирларда, бу элементга бўлган эҳтиёж бошқаларга нисбатан анча юқори бўлади. Айнан улар учун бундай танқислик ва унинг турли асоратлари хавфлидир.

Йод танқислиги касалликлари ҳамма учун маълум бўлган буқоқдан тортиб, жисмоний ва ақлий ривожланишлардан орқада қолиш ва репродуктив саломатлиқнинг бузилишигача бўлган кенг қамровли касалликларни ўз ичига олади. Ҳомилдор аёлларда у ҳомиланинг тушишига, болани ўлик ҳамда ақлан заиф ва бошқа нуқсонлар билан туғилишига олиб келади. Етишмовчилик мавжуд оналардан туғилган болаларда ақлий ва жисмоний ривожланишдан орқада қолиш ҳолатлари, қалқонсимон безнинг туғма етишмовчиликлари ва кретенизм касаллиги кузатилиши мумкин.

Кретенизм—йоднинг жуда оғир даражадаги сурункали етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган туғма касаллик бўлиб, у паканалик, ғилайлик, карлик каби жисмоний нуқсонлар ва ақлий етишмовчилик билан намоён бўлади.

Йод танқислиги ёш болаларда руҳий ва жисмоний ривожланишдан орқада қолиш, ўсишнинг секинлашиши, турли касалликларга мойиллик, ҳаракатнинг бузилиши, атрофга нисбатан лоқайдлик, инжиклик, жаҳлдорлик, йиғлоқлик, йиғлаганда паст ва дағал товуш чиқариш, кўкрак сўриш жараёнининг сустлиги, юрак ҳасталиги, тана суякларининг мўртланиш ҳолатлари билан намоён бўлади. Маълумотлар қабул қилишнинг қийинлашиши, хотира ва фикрлаш жараёнининг ёмонлашиши ҳам унинг белгиларидан. Шу тарзда ўсмирларда касб эгаллаш лаёқатига кучли салбий таъсир кўрсатади. Ўз вақтида ол-



ди олинмаса, кейинчалик фарзандлик бўлишда муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

Жиддий асоратларга олиб келувчи йод танқислиги ҳолатларининг олдини олиш мумкин. Бунинг учун, мунтазам йодланган ош тузи истеъмол қилиш зарур. Туз—бу доимий ва оммавий истеъмол қилинадиган маҳсулотдир. Йодни тузга қўшганда тузнинг мазаси, ранги, ҳиди ўзгармайди. Олимларнинг хулосаларига кўра, бир сутка давомида 5 грамм (бир чойқошиқ) туз, (бунга тайёр маҳсулотлар: нон, колбаса ва бошқалардаги туз миқдори ҳам киради) катта ёшдаги одам учун етарлидир. Йодланган ош тузи кўп ҳолларда бир килолик целлофан пакетларга қадоқланган ҳолда сотилади. Ҳарид қилинаётганда унинг чиқарилиш ва сақланиш муддатига аҳамият бериш лозим. Йод учувчи хусусиятга эга, шу боис ош тузини усти ёпиқ идишларда, иссиқлик манбаларидан узоқроқ жойда сақлаш лозим.

Бир қарашда илғаб бўлмайдиган бу хасталик жиддий хавф эканлигини, айниқса, болаларни ундан асраш зарурлигини унутмайлик.

Содиқжон ҚОРАБОЕВ,
туман кўп тармоқли поликлиникаси эндокринолог вазири.



МАЙМУН ЧЕЧАГИ ЭПИДЕМИЯСИ ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Гебрейесус Фавқулодда вазиятлар қўмитасининг иккинчи йиғилишида мазкур вирус ҳозиргача дунёнинг 75 мамлакатидан рўйхатга олинганини таъкидлаган. Хасталик тасдиқланган беморлар сони эса 16 мингдан ошган. Эпидемиядан энг кўп Европа мамлакатларида яшовчилар азият чекмоқда. Бошқа минтақаларда ҳам касаллик авж олиши хавфи мавжуд.

Шундан келиб чиқиб, ЖССТ маймун чечаги эпидемиясини халқаро аҳамиятга молик фавқулодда ҳолат деб эълон қилди.

СУНАК ХИТОЙНИ БУЮК БРИТАНИЯ УЧУН ЭНГ КАТТА ХАВФ ДЕДИ

"Telegraph" газетасининг ёзишича, Буюк Британия бош вазирлигига номзод, мамлакатнинг собиқ молия вазири Риши Сунак Хитойни Буюк Британия учун "энг катта ва узоқ муддатли таҳдид" деган.

Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Садақаларнинг энг афзали мусулмон киши илм ўрганиб, кейин уни мусулмон биродарига ўргатишидир.

Ибн Можа ривояти.

Касални зиёрат қилишда савобга эришишнинг энг афзали бемор хузуридан тезлик билан туришидир. Жобир (розияллоху анху)дан.

Дайлабий ривояти.

Фазилатларнинг энг афзали сен билан алоқани узган киши билан алоқа боғлашинг, сени маҳрум қилганга беришинг ва зулм қилганни афв этишингдир. Муоз (розияллоху анху)дан.

Табароний ривояти.

Аллоҳга имон келтиргандан кейинги амалларнинг энг афзали одамлар билан дўстона муносабатда бўлишидир.

Табароний ривояти.

“2002 ҳадис”дан.
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).
“Мунир” нашриёти.
Тошкент—2022 йил.

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОЙИ.

Аҳли дониш дейдиларки...

УМИД ҲЕЧ ҚАЧОН ОДАМ ТЎЙМАЙДИГАН БОЙЛИКДИР

Умид тугаган жой ҳувиллаб қолади.

ЛЕОНАРДО ДА ВИНЧИ.

Ҳаммамиз учун нима муштарак? —Умид: чунки одамнинг ҳеч нарсаи бўлмаса ҳам умиди бор.

ФАЛЕС.

Инсон тирик экан ҳеч қачон умидсизланмаслиги керак.

СЕНЕКА.

Ҳамиша умид билан яшамок, ҳеч қачон тушкунликка берилмаслик чинакам мард одамнинг фазилати.

ЛУЦИЙ ФЛОР.

Бахтли кунларни кутиш баъзан ўша кунларнинг ўзидан анча яхшироқ бўлади.

К. Г. ПАУСТОВСКИЙ.

Умид ҳеч қачон одам тўймайдиган бойликдир.

Л. ВОВЕНАРГ.

Ҳар қандай туманда ҳам ўй топиб юрса бўлади.

Энг муҳими дадиллик билан олға боришдир.

Р. РОЛЛАН.

Ҳар қанча оғир мусибатлар ҳам ақлу идрок ва вақт таъсирида малҳам топади.

Ф. РОХАС.

Инсон ҳаётида энг кўп фойда берадиган нарса—умид.

А. Ф. ВЕЛЬТМАН.

Ҳатто қабр ёқасида ҳам умид яшайди.

И. ГЁТЕ.

Қувонч ва умидга мойиллик чинакам бахтдир; ҳадиксираш ва руҳий тушкунликка берилиш—ҳақиқий бахтсизлик.

Д. ЮМ.

“Тафаккур гулшани”дан.
**Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат
нашриёти.**
Тошкент—1989 йил.



Фасл таровати

Ақл-ақлдан қувват олар

КУЛ ҚОЛДИРМА—ГУЛ ҚОЛДИР

Бу билан: “Элингга, ўғил-қизингга ўзингдан култепага айланган, вайрона уй-жой қолдирма, боғ-бўстонга айланган, обод, кўркам уй-жой (умуман, ҳаётлик чоғингда ўзингдан ёмонлик эмас, яхшилик) қолдир, токи сени ёмон одам сифатида эмас, яхши одам сифатида эслаб қоридиган бўлсинлар”, деган маънода панд-насиҳат қиладилар.

КУЛГАНГА КУЛ СОЧМА

“Кулганга кулма”, “Иссиқ кулиб боққанга иссиқ кул сочма”, “Кулганга кулиб эт, орқасидан қувиб ет”. Бу мақоллар билан: “Биров сенга хушмуомалалик билан кулиб туриб гапирса ё тавозе билан салом берса, сен ҳам унга хушмуомала бўл, бундай одамдан қолма, орқасидан қувиб бориб бўлса ҳам, унга қарз саломини бер. Яхшилик қилганга зинҳор ёмонлик қила кўрма!” дейилмоқчи.

“Ҳикматнома”дан.
Тошкент—1990 йил.

(Давоми боши ўтган сонларда).
Иккала шаҳарнинг иқлими ҳам бир хил, чуқур ва иссиқ. Авваллари серунум бўлган бу жойлар Евфрат дарёсининг хавза майдонлари, бизнинг кунларда яна шамол изғий-

олимлар виждонан қазишма ишларини олиб боришмаганида ва ўз даврида ҳангома бўлган, ҳозирда эса вайронага айланган саройлари ибодатхоналар устидан йигирма асрлик тупроқ қатламини олиб таш-

тараққиёти—қўлёмалари бизгача етиб келган барча тараққиётлар ичида энг қадимгиси. Ҳисобланишича, гап саккиз минг йил олдинги давр ҳақида бориши мумкин. Ушбу сана қандай аниқланганини билиш қизиқ. Вавилон вайроналарида қуёш тутилиши тасвирланган ёзувлар топилган. Кейин замонамиз астрономлари Вавилондан кўринган қуёш тутилиши вақтини компьютерда ҳисоблаб чиқишди. Шу тариқа, қадимги ва замонавий календарлар ўртасидаги алоқани аниқлашди. Демак, саккиз минг йил аввал вавилонликлар атрофлари деворларда тўсилган шаҳарларда яшагани исботланди. Бу шаҳарлар неча асрлар давомида фаолият юритганини фақат тахмин қилиш мумкин. Вавилонликлар қоқоқ, ёввойи бўлмаганлар, аксинча, таълим-тарбияли, маърифатпарвар кишилар бўлишган. Биринчи муҳандислар, астрономлар, математиклар улар орасидан етишиб чиққан ва ёзиш санъатини ҳам улар биринчи бўлиб ўрганишган. Қақраган саҳрони ҳосилдор далааларга айлантирган, ирригация иншоотлари ҳақида гапириб ўтилди. Қумга тўлиб ётган бўлсада, қадимги каналлар йўлини қайта тикласа бўлади. Баъзи каналлар шунчалик каттаки, ичига ёнма-ён терилган ўнта от бемалол сиғиши мумкин. Кенглиги жиҳатидан улар Колорадо ва Юта штатларидаги (АҚШ) каналлари билан беллаша олади.

(Давоми бор).

Билиб қўйган маъқул

БОЛА УЧУН ФОЙДАЛИ

Бола танасида сув кўп бўлиб, мунтазам суюқлик ичиб туришини талаб қилади. Кекса одам танасининг 55 фоизи сувдан иборат бўлса, кичкинтой вужудининг 75 фоизини сув ташкил этади.

Шаҳар уйларида оқётган иссиқ сувдан истеъмол мақсадида асло фойдаланманг. Унда соғлик учун жуда зарарли кўрғошин заррачалари бўлади. Сув темир қувур деворларидаги кўрғошинни ювиб келган бўлса, уни ичган одам, айниқса, болалар сурункали ошқозон-ичак касалликларига чалиниши мумкин. Хилма-хил ичимликлар чиройли қоғози ва ранги билан кичкинтойларни ўзига жалб этади. Айнан шундай ичимликларни болага ичирмаслик керак. Айрим чет эл ичимликларига боланинг соғлиги учун зарарли бўлган кофеин ва бошқа қўзғатувчи моддалар қўшилган. Болалар ичимликларининг нархи арзони янада хавфлироқ: уларга шакарнинг ўрнини босувчи моддалар қўшилади. Улар жигар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Тайёр шарбатлар ҳам доим фойдали бўлавермайди. Юз фоиз табиий шарбат деб ёзишган бўлса ҳам, таркибида шарбатдан кўра қоришмаси кўпроқ. Уларга жуда кўп шакар қўшилади, бу ҳам болалар учун яхши эмас.

Янги узилган мевалар, сабзавотлардан ўзингиз шарбат тайёрлаб берсангиз, фарзандингиз учун ҳар тарафлама фойдалидир.

“Ҳидоят” журналидан.
(Давоми бор).

ВАВИЛОН ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Жорж Самюэл Клейсон

диган, ербағр янтоқлару, қумли бўронлардан иборат саҳро. Серҳосил далалар, бой-бадавлат шаҳарлар ва қимматбаҳо юклар ортилган савдо карвонлари энди йўқ. Ҳозир ўша худудда кичкина-кичкина подларни боқиб юрвучи кўчманчи араб қабилалари хўжайин. Бундайин манзара эрамиз бошларидан буён кузатилмоқда. Улкан текисликларда катта-кичик дўнг ерлар сочилиб ётибди. Асрлар давомида саёҳатчилар уларга бепарво бўлган. Ниҳоят жала сувлари тепаликларни ювиб, қадимги идиш парчалари ва ғиштдан бунёд этилган девор четлари очилиб қолганида, бу худуд археологлар диққатини ўзига тортди. Вавилон ана шу шаҳарлардан бири эди. Икки минг йил давомида шамоллар учуриб келтираверган қум уюмлари шаҳарни бегона кўзлардан пана қилиб қўйганди. Ғишт деворлар эндиликда тупроқ ичида. Бугунги Вавилоннинг ҳолати шундай. Агар



лашмаганида эди ҳеч ким шундай шаҳар мавжуд бўлганини эсламас эди ҳам.

Ақсарият олимларнинг фикрича, Вавилон ва шу водийда жойлашган бошқа шаҳарларнинг ривожланган

Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YO'LI
МУАССИС:
ҚЎШТЕПА ТУМАНИ
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАХРИРИЯТ
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:
Умидаҳон ХУДОЙБЕРГАНОВА
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Фаргона вилояти бошқармаси томонидан
2007 йил 9 январда 12-012 рақами
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:
151111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номи маҳалла,
Соҳибқор кўчаси, 4-уй.
Телефон ва факс:
муҳаррир (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТНИНГ
Pentium - IV
КОМПЮТЕРИДА
ТЕРИЛДИ ВА
САҲИФАЛАНДИ.
Дизайнер:
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмахонасида 3100
нусада чоп этилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:
64875
Буюртма № 495
Топшириш вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Ҳадичаҳон КАРИМОВА
ISSN 2010-9253
9 772010 1925307